



ТАДБИРКОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УСУЛЛАРИ

Мўятдинов Махмуд Жалелович

Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 4

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss4/a7

ABSTRACT

Мақолада тадбиркорлик таваккалчиликлари ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсири масалалари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда таваккалчиликлардан четлаб ўтишнинг имконисизлиги ва шу муносабат билан таваккалчиликларни илмий асосда ўрганиш, бунинг учун уларни турли хусусиятлари бўйича таснифлаб олиш зарурлиги асослаб берилган. Тадқиқотчининг ҳамда бошқа олимларнинг фикрига кўра, таваккалчиликларни аввалам бор умумий тарзда таснифлаб олиш, ундан кейин уларнинг келиб чиқиш манбаларига кўра таснифлаш, пайдо бўлиш сабабларига кўра таснифлаш ва сўнгги босқичда олдинги амалга оширилган таснифларни умумлаштирган ҳолда таснифлашни амалга ошириш ҳар жиҳатдан мукаммал таснифлашга эришиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳаларда ўзаро рақобатнинг кучайиши таваккалчиликлар ҳажмининг ортишига олиб келиши ва бу ўз ўрнида уларни турли йўللار билан бошқариш заруратини келтириб чиқариши таъкидланади. Таваккалчиликларни тўғри ва мукаммал таснифлаш ушбу таваккалчиликларни бошқариш усулларини тўғри танлаш имконини беради. Уларни сугурталашга қарор қилинганда тўғри сугурталаш, сугурта суммалари ва оптимал тариф ставкаларини белгилаш имконини беради. Мақолада таваккалчиликка ҳар жиҳатдан кенг ва тушунарли таъриф берилган. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда уни дастлабки умумий таснифлаш амалга оширилган. Мазкур таснифлашнинг ҳар бир йўналиши бўйича тушунчалар шакллантирилган. Таснифлашнинг иккинчи босқичида таваккалчиликларнинг келиб чиқиш манбалари ва пайдо бўлиш сабаблари бўйича таснифлаш амалга оширилган ва шарҳлар келтирилган. Таснифлашнинг сўнгги босқичи юқорида амалга оширилган таснифлаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда кенг тарзда амалга оширилган. Мақолада рисклар пайдо бўлишининг омиллари тўғрисида фикрлар шакллантирилган ва уларни ташқи ва ички омилларга ажратилиб, хусусиятлари очиб берилган. Мақолада Ўзбекистонда тадбиркорлик таваккалчиликлари сугуртасининг ривожланишига тўсик бўлаётган ҳолатлар тўғрисида ҳам фикр юритилган ва хулосалар шакллантирилган.

KEYWORDS

Тадбиркорлик, тадбиркорлик таваккалчиликлари, таснифлаш, тадбиркорлик таваккалчиликларини таснифлаш, умумий таснифлаш, келиб чиқиш манбалари бўйича таснифлаш, пайдо бўлиш сабаблари бўйича таснифлаш, тадбиркорлик таваккалчиликларини сугурталаш.

Кириш

Бозор иқтисодиёти йўлидан борадиган ҳар қандай мамлакатда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл берилади ва ушбу фаолиятни ривожлантириш учун қонунчилик тизими такомиллаштирилади ва ушбу соҳа вакиллари учун турли кўринишдаги имтиёзлар яратилади. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг етакчи кучи сифатида амал қилиб, ишлаб чиқарилаётган товар ва кўрсатилаётган хизматларнинг асосий қисми ушбу субъектлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари тобора кучайиб, мамлакатлар ўртасида савдо, туризм, инвестициялар ва бошқа соҳаларда халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда. Мазкур хизматларнинг асосий қисми тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётганлиги бу борадаги рисклар таркиби ва даражасининг ортишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга,

хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ва бошқа шу йўналишдаги қарор ва меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги тадбиркорлик соҳасининг янада ривожланишига шароит яратиб бериши натижасида ушбу соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни ортиб, мамлакат ЯИИда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси 50 фоиздане ортиқ миқдорни ташкил этмоқда.

Европалик буюк иқтисодчи Й.Шумпетернинг (1883-1950) йилларда яшаб ижод қилган) таъкидлашича, тадбиркорликнинг иқтисодий жараёни ўртача даромад олиш билан белгиланмайди, балки юқори даромад олиш жараёни билан – такрор ишлаб чиқариш жараёнида янги комбинацияларни ишлатиш орқали тадбиркорлик даромадини олиш билан белгиланади. Тадбиркорлик тўғрисида унинг шундай ибораси бор: “Тадбиркорликнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ҳал қилувчи ролини у бўлмаган жойда

жуда хис қилиш мумкин” [1]. А.Смит, Д.Рикардо ва К.Маркснинг асарларида тадбиркор такрор ишлаб чиқариш жараёнида капиталист сифатида амал қилувчидир дея эътироф этилиб, унинг роли ишчи кучлари томонидан яратилган фойдани ўзлаштиришда кўринади дея таърифланади [2]. Тадбиркорлик соҳасини тадқиқ қилган ва хусусиятларини очиб берган Россиялик биринчи иқтисодчи И.Т.Посошков бўлиб, у томонидан император учун тайёрланган ва эътиборга сазовор бўлган иши – “Книга о скудости и богатстве” деб номланган китоби ҳисобланади. Мазкур китобда И.Посошков тадбиркорликни “Россиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳал қилувчи ролни бажарадиган, давлат ва унинг фуқароларининг бойиши, Россиянинг фуқаролик тикланишининг асосий элементи ва кучли давлатга айланиш манбаи” [3] деб баҳолаган.

Юқорида келтирилган классик иқтисодчи- олимлар томонидан тадбиркорлик соҳасига берилган таърифларга асосланган ҳолда ҳулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик соҳаси ўзининг ривожланган даражасида иқтисодиётнинг етакчи кучига айланади ва шу билан бирга таъкидлаш мумкин, мазкур соҳага хос рисклар турли-туманлиги ортади. Шундай экан, тадбиркорликда муваффақиятга эришишнинг асосий омили ушбу соҳага хос рискларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда таснифлаб олган ҳолда самарали бошқаришга эришиш мумкин.

Рискларни таснифлаш деганда, зарур натижага эришиш мақсадида рискларни ўзига хос белгилари бўйича алоҳида гуруҳларга ажратиш (ташки ва ички) тушунилади. Ўз ўрнида илмий асосланган таснифлаш умумий бошқариш тизимида ҳар бир риск турининг ўрнини белгиллаб олиш имконини беради. Таснифлаш рискларни бошқаришда маълум усул ва услубларни қўллаш имконини беради [4].

У.Умурзаков ва А.Тошбоевларнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” номли китобида тадбиркорликка шундай таъриф берилган: тадбиркорлик – ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир [5]. А.П.Архиповнинг таъкидлашича, тадбиркорлик фаолиятидаги ишлаб чиқариш rischi маҳсулот ишлаб чиқариш (товар ва хизматлар) жараёнида таннархнинг ошиб кетиши, ишчи кучи вақтининг йўқотилиши, ишлаб чиқаришда янги усулларни қўллашда хатоликларга йўл қўйилиши кабилар билан боғлиқ [6]. А.Н.Герасининг фикрига кўра, рискларни гуруҳлашни уларнинг турли таснифий белгилари асосида (риск соҳаси ва юз бериш сабаблари; ҳўжалик юритиш босқичлари; йўл қўйиш даражаси ва масштаби; ҳўжалик фаолиятининг турлари; ҳаракатлар давомийлиги; сугурталаш имкониятлари ва бошқалар) амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, тадбиркорлик рискларини аниқлашда асосан киритилган маблағлардан қўтилаётган даромаднинг ноаниқлик даражасидан келиб чиқилади [7].

Материал ва Метод (Materials and Methods). Тадқиқотни амалга оширишда тизимий таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, таққослаш, тизимий ёндашув, мантикий фикрлаш методларидан самарали фойдаланилди.

Натижалар Results). Ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятида албатта қандайдир кўринишдаги таваккалчиликларга (рисклар) йўл қўйилади. Таваккалчиликлар табиат ҳодисалари билан боғлиқ хавф-хатарлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳамкорлар, ходимлар билан бўладиган муносабатлардаги таваккалчиликлар ҳамда ўз мамлакатини ҳукумати ва ҳамкорлар жойлашган бошқа давлатларда юз берадиган сиёсий ва қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ таваккалчиликлардан иборат.

Таваккалчилик – бу бирор бир тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда юз бериши мумкин бўлган, у юз берганда тадбиркор фаолиятининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган, қўзланган фойдани ололмасликка олиб келадиган, яъни маҳсулот ёки иш ва хизматларнинг сотилмай қолишига, фаолиятнинг бутунлай ёки қисман тўхташига олиб келадиган, мулкларнинг бутунлай ёки қисман йўқотилишига олиб келадиган, банкротликка сабаб бўладиган ҳолатларнинг юз бериш эҳтимолидир.

Таваккалчиликсиз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва амалга оширишнинг илоҳи йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро рақобатнинг кучайиши таваккалчилик даражасини янада оширади. Таваккалчиликнинг меъёридан ортиб кетиши муваффақиятсизликка олиб келади.

Тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган таваккалчиликларни камайтириш мақсадида ушбу

таваккалчиликларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш, шу асосда уни камайтириш усуларини танилаш борасида қарорлар қабул қилиш муҳим ҳисобланади. Таваккалчиликни ўрганиш учун уни аввало таснифлаб (классификациялаш) олиш зарур.

Тадбиркорлик таваккалчиликларини биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидагича таснифлаш амалга

1-жадвал

Тадбиркорлик таваккалчиликларининг умумий таснифи*

Тадбиркорлик таваккалчиликлари	
1.	Табиат ҳодисалари билан боғлиқ таваккалчиликлар
2.	Ишлаб чиқариш таваккалчиликлари
3.	Савдо-воситачилик таваккалчиликлари
4.	Молиявий таваккалчиликлар
5.	Хизмат кўрсатиш соҳасидаги таваккалчиликлар
6.	Сиёсий ва иқтисодий таваккалчиликлар
7.	Учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ таваккалчиликлар

оширилди (1-жадвалга қаранг). Табиат ҳодисалари билан боғлиқ таваккалчиликларга зилзила оқибатида кўриладиган зарарлар, қаттиқ шамол, тўфон, яшин уриши, сув босиши, сел келиши, қаттиқ совуқ тушиши, қалин қор босиши, кучли жала, дўл, ер чўкиши, қурғоқчилик, гармсел, кучли иссиқ ва шу кабилар натижасида тадбиркорнинг мулкига, ҳаётига, соғлиғига, иш фаолиятига ва даромадига зарар етиши тушунилади.

Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларга турли сабаблар натижасида (ҳамкор томонидан хом-ашё ва материаллар, электр энергияси, газ, кўмир ва бошқалар етказиб беришнинг тўхтаб қолиши) ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки нарх-навоининг тушиб кетиши натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотилмай қолиши, хом-ашё нархларининг ошиб кетиши натижасида таннархнинг кўтарилиши ва натижада маҳсулот сотишдан олинладиган фойданинг камайиб кетиши, ходимларнинг малакасизлиги ёки эҳтиётсизлиги натижасида яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, технологиялар ёки ишлаб чиқариш воситаларининг ишдан чиқиши, ташилаётган маҳсулотларга турли сабаблар билан зарар етиши, табиий ҳодисалар ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етиши, раҳбар ёки муҳим ходимнинг вафот этиши ёки касалланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатиши каби ҳатарларни киритиш мумкин.

Савдо-воситачилик ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликлар сифатида бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки нарх-навоининг тушиб кетиши натижасида сотиб олинган товарларнинг сотилмай қолиши ёки фойданинг камайиб кетиши, ходимларнинг малакасизлиги ёки эҳтиётсизлиги натижасида мижозларга моддий зарар етказиш, ходимларнинг малакасизлиги ёки ишчи яхши ташкил этилмаганлиги натижасида мижозларнинг камайиб кетиши, ташилаётган товарларнинг йўлда турли сабаблар билан зарарланиши, харидор ҳамкорларнинг тўловга қобилиятининг йўқолиши натижасида сотилган товар учун тўловнинг амалга ошмай қолиши, табиий ҳодисалар ва бошқа бахтсиз ҳодисалар натижасида ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етиши, қорхонанинг барқарор фаолият кўрсатишида муҳим ўрин тутадиган раҳбар ёки ходимнинг вафот этиши ёки касалланиши ҳатарларини киритиш мумкин.

Молиявий фаолият билан боғлиқ таваккалчиликлар сифатида айланма маблағларнинг етарли бўлмай қолиши натижасида ишлаб чиқаришдаги узилишларнинг рўй бериши, валюта курсидаги тебранишлар натижасида зарарларнинг юзага келиши, солиқ ставкаларининг ошиши натижасида таннархнинг ошиб кетиши, биржа савдоларидаги нарх тебранишлари натижасида зарар кўриш, сотиб олинган акциялар нархларининг тушиб кетиши, кредит маблағлари етишмовчилиги ёки кредит ставкаларининг ошиши, табиий ҳодисалар ва бошқа бахтсиз ҳодисалар натижасида ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етиши, ташкилотнинг барқарор фаолият кўрсатишида муҳим ўрин тутадиган раҳбар ёки ходимнинг вафот этиши ёки касалланиши каби таваккалчиликларни келтириш мумкин.

Сиёсий ва иқтисодий таваккалчиликлар сифатида қорхона ёки ташкилот фаолият кўрсатаётган мамлакат ёки унинг ҳамқори фаолият кўрсатаётган мамлакатда юз берган сиёсий ғалаёнлар натижасидаги нотинчиликлар, конвертация билан боғлиқ чекловларнинг амалга киритилиши, солиқ юкининг ошиши, марказий банк қайта молиялаш ставкасининг оширилиши, қорхона ёки унинг ҳамқорининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи

конунчиликдаги ўзгаришлар, ўзига тегишли бўлган мулкни мамлакатдан олиб чиқишга чекловларнинг ўрнатилиши, божхона божларининг оширилиши каби таваккалчиликларни кўрсатиш мумкин.

Бошқа шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ таваккалчиликлар сифатида ҳар қандай шаклда ва йўналишда ташкил этилган корхона ёки ташкилотнинг мулки ёки пул маблағларини бегона шахслар томонидан ўғирланиши ёки улар томонидан бошқача тарзда зарар етказилиши билан боғлиқ таваккалчиликларни кўрсатиш мумкин.

Таваккалчиликларни келиб чиқиш манбалари ва пайдо бўлиш сабабларига кўра қуйидагича таснифлаш амалга оширилди (2-жадвалга қаранг). Тадбиркорлик рискларини (таваккалчиликларни) таснифлашнинг мураккаблиги уларнинг турли-туманлигида. Рискларнинг турли-туманлиги ва уларнинг корхона фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва таркибини чуқурроқ таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Рискларнинг шундай турлари борки, улар тадбиркорликнинг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатади. Аммо рискларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар тадбиркорликнинг фақат маълум соҳаларига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, банк рисклари суғурта рискларидан фарқ қилади. Суғурта рисклари ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик рискларидан фарқ қилади. Раҳбар ёки муҳим ходимнинг касалланиши ёки вафот этиши rischi барча соҳаларга тегишли бўлган риск ҳисобланади.

Ҳозирги даврда иқтисодий назарияда тадбиркорлик фаолияти рискларни таснифлашга турлича ёндашувлар бўлиб, умумқабулқилинган ёндашув мавжуд эмас. Бунинг сабаби, амалиётда рисклар турлича пайдо бўлади. Баъзи ҳолатларда алоҳида рискларни ажратиш олишнинг ўзи қийин ва мураккаб. Мавжуд таснифни синтез қилиш асосида ва ушбу масалага нисбатан шахсий тушунчанидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик рискларини тизимлаштиришга ва уларнинг муҳим турларини ўзида мужассамлаштирган таснифни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик (3-жадвалга қаранг).

Риск омилларини таснифлашнинг турли белгилари бўйича амалга ошириш мумкин. Тадбиркорлик фаолияти рискларини тизимли ва

танлашда йўналтирувчи белги ҳисобланади. Бундай таснифлаш компаниянинг катта ёки кичиклиги ва бошқарув даражасидан қатъий назар универсал бўлиши мумкин. Пайдо бўлиш омиллари бўйича тадбиркорлик фаолияти рискларини ташқи ва ички омилларга ажратиш мумкин. Ташқи (объектив) омиллар тадбиркорлик субъекти фаолиятдан қатъий назар юзага келадиган омиллардир. Бу омиллар тадбиркорлик фаолиятининг барча турларига тааллуқли бўлиб ҳисобланади.

Ўртача ривожланиш даражасидаги мамлакат иқтисодиётида ташқи омиллар тадбиркорлик фаолияти рискларининг Бундай омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- сиёсий ҳолатнинг барқарорлиги;
- республика миқёсидаги ва маҳаллий бошқарув идоралари ўртасида ваколатларнинг тўғри тақсимланиши;
- капиталлар ва товарларнинг ҳаракати бўйича тўсиқларнинг ҳолати;
- солиқ меъёрларидаги ўзгаришлар; банклар кредит ставкаларидаги ўзгаришлар;
- валюта муомаласидаги ўзгаришлар;
- ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш борасидаги тартиб-қоидалардаги ўзгаришлар;
- табиий монополь маҳсулотлар (электроэнергия, газ ва бошқалар)нинг тарифларидаги ўзгаришлар;
- темир йўл ва бошқа транспорт воситалари орқали юк ташиш тарифларидаги ўзгаришлар ва бошқалар [8].

Риск пайдо бўлишининг ички омиллари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келади ва у корхонанинг фаолият тури, танлаган стратегия ва тактикасига боғлиқ бўлади. Рискнинг юзага келиши малакасиз менежмент, хато юритилган маркетинг фаолияти, активлар ва капиталдан самарасиз фойдаланиш, юқори даромадли ва шу билан бирга юқори риск даражасига эга бўлган молиявий операцияларга кўпроқ берилганлик, ҳамкорларни тўғри танлай олмаслик ва бошқа шу каби омилларга боғлиқ.

Рискнинг юзага келишига яна қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: маҳсулот таннархи даражаси, унинг сифати ва ишончилиги, сотиш шартлари, сотишдан олдинги ва сотишдан

3-жадвал

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рисклар таснифи*

Тадбиркорлик фаолияти рисклари	
Ташқи ёки тизимли риск	Табиий, сиёсий, солиққа оид, экологик, инфляция, баҳо, фойз, валюта, депозит, криминоген
Ички ёки тизимли бўлмаган:	I. Ишлаб чиқариш; ресурс; тижорат; техник-ташқилӣ.
I. Ишлаб чиқариш-тижорат фаолияти рисклари	II. Молиявий барқарорликнинг пасайиши; фойдани бой бериш rischi; тўловга қобилиятсизлик; кредит ; банкротлик; операцион; инвестиция; инновация.
II. Молия-инвестицион фаолият рисклари	
Юз бериш вақти бўйича	1) ретроспектив рисклар 2) жорий рисклар 3) перспектив рисклар
Юз бериш эҳтимоллиги ва зарар даражаси бўйича	1) ўртача рисклар 2) юқори даражадаги рисклар
Маълум объект бўйича	1) алоҳида операция rischi, 2) турли фаолият йўналишларидаги рисклар, 3) корхона ялпи рисклари
Комплекслиги бўйича	1) оддий риск, 2) мураккаб риск
Молиявий оқибатлар бўйича	1) фақат иқтисодий йўқотишга олиб келадиган рисклар, 2) фойдани йўқотишга олиб келадиган рисклар, 3) молиявий йўқотишлар ва қўшимча даромадни йўқотишга олиб келадиган рисклар
Вақтга нисбатан юзага келиш хусусияти бўйича	1) доимий, 2) вақтинчалик
Прогноз қилиш имконияти бўйича	1) прогноз қилиш мумкин бўлган рисклар 2) прогноз қилиш мумкин бўлмаган рисклар
Суғурталаш имконияти бўйича	1) суғурталанадиган рисклар 2) суғурталанмайдиган рисклар

*тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

тизимли бўлмаган турларга бўлиш рискларни бошқариш кейинги сервис даражаси, асосий ишлаб чиқариш фондларининг стратегиясини танлаш мақсадида уларни таснифлаш тизимини техник ҳолати, айланма капитал билан таъминланганлик, ўз

маблаглари ва жалб қилинган маблаглар нисбати, ходимларнинг малакаси ва бошқалар.

Ташқи ва ички тадбиркорлик рискларининг чегараларини белгилаб олгач уларнинг турларини аниқлаймиз. Аниқ риск турининг хусусияти унинг юзага келиш омилларини белгилаш имконини беради. Ташқи тадбиркорлик рисклари деганда, тадбиркорлик фаолиятдан кутилаётган натижага нисбатан салбий ёки меъёрдаги ва ҳаттоки ижобий натижага олиб келиш ҳолатларининг юз бериши тушунилади. Булар қуйидаги риск турлари бўлиши мумкин: табиий ҳодисалар билан боғлиқ рисклар; экологик рисклар; сиёсий рисклар; инфляция рисклари; фонз rischi; валюта rischi; депозит rischi; криминоген рисклар.

Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси тармоғининг ривож, асосан мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига, аҳоли турмуш даражаси ва суғурта маданиятининг ривожланганлигига боғлиқ. Шу билан бирга, ушбу соҳанинг ривож тадбиркорлик субъектларининг тўловга қобиллиги, мулкӣ, жавобгарлик, шахсий ва тадбиркорлик таваккалчиликлари суғурта турларига нисбатан солиқ имтиёзларининг мавжудлигига, ҳамда мажбурий суғурта турларининг қўламага боғлиқ ҳисобланади.

Мунозара (Discussion). Шундай қилиб, рискларни уларнинг турли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда (дастлабки таснифлаш, келиб чиқиш манбаларига асосан, пайдо бўлиш сабабларига кўра таснифлаш, умумий таснифлаш) таснифлаб олиш уларни самарали бошқариш имконини беради ва бу тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига имконият яратади.

Тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистондаги бугунги ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, ушбу фаолият билан боғлиқ рискларни юқорида келтирилган таснифлардан фойдаланган ҳолда бошқаришни амалга ошириш, рискларни бошқаришнинг самарали йўли ҳисобланган суғурта хизматларини тақдим этишда суғуртага қабул қилинаётган рисклар бўйича тарифларни белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

1. Тадбиркорликнинг моҳияти очиб берилди ва шундан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик тушунчасига таъриф берилди.

2. Тадбиркорлик таваккалчиликларининг қандай жараёнларда ва қайси субъектлар ўртасидаги муносабатларда юзага келиши аниқланди.

3. Тадбиркорлик таваккалчиликларини умумий тарзда дастлабки таснифлаш амалга оширилди.

4. Ишлаб чиқилган умумий таснифнинг ҳар бир алоҳида қисми бўйича тушунчалар шакллантирилди.

5. Таваккалчиликларни келиб чиқиш манбалари ва пайдо бўлиш сабабларига кўра таснифлаш амалга оширилди.

6. Тадбиркорлик таваккалчиликлари бўйича амалга оширилган икки босқичдаги таснифлашдан келиб чиққан ҳолда умумий таснифлаш амалга оширилди.

7. Рисклар пайдо бўлишининг ташқи ва ички омиллари аниқланди.

References:

1. Дикинс, D.; Фрил, МС (2009) «Предпринимательская деятельность, экономика и значение малых предприятий». Предпринимательство и малые фирмы. McGraw-Hill образования. ISBN 978-0-07-712162-4.
2. Петти А, Смит А., Рикардо Д. Антология экономической классики / сост. И.Столяров, Москва, Эконом: ключ. 1993, - с.204
3. Тимофеева А.А. История предпринимательства в России: учеб. Пособие.-Второе изд., стереотип. –Москва, Флинта, 2011, -с.58.
4. Попова И.В Управление внутренними рисками на предприятии/И.В.Попова, И.А.Достовалова//Сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции посвященной дню российского предпринимательства, Изд-во: ООО «Секвойя» (Ставрополь), 2017.
5. У.Умурзаков, А.Тошбоев Кичик бизнес ва тадбиркорлик Т.:янги аср авлоди 2012 й.
6. Архипов А.П. О страховании рисков предпринимательской деятельности // Финансы. -М.: -2002.-№2.-с.24
7. Герасин А.Н. Общественная полезность предпринимательства/ А.Н.Герасин//Проблемы экономики и юридической практики. -2009.-№2.-С.60-63.
8. Долгопятова Т.Г. Российские предприятия в переходной экономике. Москва, Дело, 1995 с. 34-35